

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 10

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 10 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине – педагогика фанлари доктори, доцент.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Фарманова Гулнара Комилевна

МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА 9-18

Саидбобоева Гулзора Нематжоновна

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР БОШИ) 19-26

Ахмедов Шахзод Фарход ўғли

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ 27-34

Mirsoatova Sayyora Turg'unovna

MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR 35-39

Янгибоева Дилноза Ўқтамовна

МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАҲДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ 40-48

Maҳмудов Эркинжон Асқаралиевич
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРГОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 49-53

Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich

O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI 54-58

Ergasheva Bahridil G'olibjonovna

IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSILOGIK TAHLIL) 59-65

Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР 66-74

Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi

XORIJUY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) 75-80

Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна

БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР 81-86

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Boltayev Nurali Shiramatovich

AGRAR OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI 87-93

Дустова Мухайё Худайбердиевна
 РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА
 СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ 94-102

Ravshanov Malik Naimovich
 METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD
 TRANSPORT COMPLEX..... 103-108

Xushmuradov Oman Namozovich
 TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI 109-115

Raximjonov Kamronbek Ilxomjon o'g'li
 DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH 116-121

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Наврӯзова Гулчехра Нигматовна
 АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ 122-128

Talapov Baxriddin Aljanovich
 KONSTITUTSIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA 129-134

Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich
 JAMIyat HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING
 AHAMIYATI 135-140

Солиев Икромжон Комилжонович
 РАҶАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН 141-147

To'xtayev Xakim Primovich
 TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON
 BO'LISH XUSUSIYATLARI 148-153

Уразалиева Гулшада
 СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ
 ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ 154-160

Гуламова Мавжуда Ташиулатовна
 ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ
 ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ 161-165

Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li
 GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIY-DUNYOVII DAVLAT
 SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) 166-171

Quvonov Sardor Zokirovich
 MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA “MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY”
 ASARINING AHAMIYATI 172-179

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Халметова Мехрибону Гайратжоновна
**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ
ЯЗЫКАХ 180-186**

Abdijabbor Amanov
**MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS
XUSUSIYATLARI 187-194**

Umarova Xurshida Zikiryoxonovna
AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI 195-203

Odinayev Bekqul Imamqulovich
LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN 204-210

Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev
**"DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR" DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR
QIYOSI 211-217**

Saidov Akmal Azimovich
**"TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA
MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH 218-224**

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li
**SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA
AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI 225-231**

Жўраев Дилмурот Мухторович
**МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН
НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР 232-240**

Эшонхонов Камолхон Маматхонович
**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР 241-246**

Бўриев Одил Қобилович
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ
МЕЗОНИДИР 247-253**

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li
**"ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING
MAVJUD HOLATI 254-259**

Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола
**ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ
КОММУНИКАЦИИ 260-265**

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i>	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i>	
ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i>	
KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH	299-303
<i>Robiya Mannopova</i>	
INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i>	
REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i>	
TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i>	
IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	323-328

07.00.00-Тарих фанлари

Янгибоева Дилноза Ўқтамовна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Термиз давлат университети “Ўзбекистон тарихи
ва манбашунослик” кафедраси доценти в.б.,
yangibaeva11078@mail.ru

МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Бухоро амирлигига XX асрнинг бошларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган амалдорлар орасида Шарифжон Садри Зиё мухим ўрин тутган, у ўз замонасинг ҳақиқатгўй қозиси сифатида халқ орасида жуда катта обрўга эга бўлган. Вилоят ва туманларда арз ва шикоятлар юзасидан шариат аҳомлари асосида қарор қилинган одилона қарор ва ҳукмлар Садри Зиёни ўз мансабида ҳар доим ҳам мустаҳкам туришига кафолат бермаган. Шунингдек, Садри Зиё ўз фаолияти давомида Бухоро амирлиги мустақиллиги ва озодлиги тарафдори сифатида ҳам сезиларли ишларга раҳнамолик қилган. Албатта, Садри Зиё Бухоро жадидлари таркибида бўлмаган, аммо уларга хайриҳоҳ сифатида фаолиятларини доимо қўллаб-куvvatлаган.

Калит сўзлар: Амир Абдулаҳад, қозилик фаолияти, Теша Хожа, “Ёш буҳороликлар”, қозикалон, манифест, ислоҳот, Қарши, Шахрисабз.

Yangiboyeva Dilnoza Uktamovna
Doctor of Philosophy (PhD) in history, Acting Associate Professor
of the Department “History and Source Studies of Uzbekistan”, TerSU

SOCIAL AND POLITICAL ACTIVITIES MUHAMMAD SHARIFJAN MAKHDUM SADRI ZIYO

Abstract. Among the officials who actively participated in the socio-political processes taking place in the Bukhara Emirate at the beginning of the 20th century, Sharifzhan Sadri Zia occupied an important place; he had a great reputation among the people as a truthful judge of his time. Fair decisions and verdicts based on Sharia provisions regarding complaints in provinces and districts did not guarantee that Sadri Zia would always stand firm in his position. Also during his career, Sadri Zia did significant work as a supporter of the independence and freedom of the Bukhara Emirate. Of course, Sadri Zia was not part of the Bukhara Jadids, but he always supported their activities as a sympathizer.

Key words: Amir Abdulahad, work of a judge, Tesha Khoja, “Yosh Bukhoroliklar”, kazikalon, manifesto, reform, Karshi, Shakhrisabz.

Янгибоева Дилноза Уктамовна
Доктор философии по истории (PhD), и.о. доцента кафедры
«История и источниковедение Узбекистана» ТерГУ

ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУХАММАДА ШАРИФДЖАНА МАХДУМА САДРИ ЗИЯ

Аннотация. Среди чиновников, активно участвовавших в общественно-политических процессах, происходивших в Бухарском эмирата в начале XX века, Шарифжан Садри Зия занимал важное место, он имел большую репутацию в народе как правдивый судья его времени. Справедливые решения и вердикты, основанные на положениях шариата относительно жалоб в провинциях и районах, не гарантировали, что Садри Зия всегда будет твердо стоять на своей позиции. Также за свою карьеру Садри Зия вел значительную работу как сторонник независимости и свободы Бухарского эмирата. Конечно, Садри Зия не входил в состав бухарских джадидов, но всегда поддерживал их деятельность как сочувствующий.

Ключевые слова: Амир Абдулахад, работа судьи, Теша Ходжа, «Ёш Бухороликлар», казикалон, манифест, реформа, Карши, Шахрисабз.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N05>

Кириш. Бухородаги сиёсий жараёнлар ва унинг фаол ҳаракатлантирувчи кучлари бўлган миллий зиёлилар ҳамда жамоат арбобларининг фаолиятлари, тараққийпарварларнинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий-адабий мероси масалаларини таҳлил этиш устувор мавзулар сифатида кенг ўрганилмоқда. Мазкур ҳолат тарихий тараққиётнинг турли босқичларида Бухорода жамланган илм-фан ҳамда ушбу минтақада муҳим ўрин тутган зиёлиларнинг сиёсий ва маданий соҳадаги тарихий тажрибасини объектив ўрганишни тақозо этмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Манғитлар сулоласининг сўнгги уч ҳукмдорлари амир Музаффар (1834-1860-1885 йй.), амир Абдулаҳад (1859-1885-1910 йй.) ва амир Олимхон (1880, Кармина – 1944, Кобул) (1910-1920 йй.) даврида Бухоро зиёлилари онгida янгича қарашлар вужудга кела бошлаган. Илғор тоифа вакиллари Бухорони ҳар томонлама ривожлантириш, тараққий эттириш ва бунга, асосан, ислоҳотлар йўли билан эришиш тарафдорлари бўлиб, улар давлат ва идора бошқарувининг турли бўғинларида мансаб ва лавозим эгалари бўлишларига қарамай, ўзларининг мустақил фикрлари билан муаммоларни ечиш учун тайёр турганлар. Ўз қарашларида событқадам бўлган, халқ ва жамият манфаати йўлида заҳмат чеккан фидокор зиёлилар орасида Аҳмад Донишнинг маърифатчилик ғоялари ва сабоқлари ўша даврдаги бир қатор зиёлиларга иҳом берган. Булар сирасига Исо Маҳдум – Исо (1826-1887), домулло Абдулфазл Сират (1898 йилда вафот этган), қози Абдулвоҳид Садри Сарир (1810-1886), Мирзо Абдулазим Сомий (1839-1907), Шамсиддин Шоҳин (1859-1894), Шарифжон Садри Зиё каби издошлари ва бошқа бир қанча шу даврнинг машҳур ёзувчилари маърифатпарварлик ҳаракатининг моҳиятини англаб етмаганлар ва ҳануз жамиятда ҳеч қачон риоя қилинмаган адолатпарварликни излаш доирасида қолишиди.

Бухородаги ижтимоий-сиёсий ҳолат турғунлик ҳолатида бўлиб, XX асрнинг бошларига келиб ижтимоий-сиёсий фикрларнинг ғайриоддий юксалиши билан ажралиб турди. Бу вақтда, Туркистанда бўлгани каби, Бухорода ҳам ислоҳотчилик ҳаракатлари тарафдорлари шаклланди.

Мақолада холислик, тарихий-хронологик таҳлил, тизимлилик тамойили асосида иш кўрилиб, қиёсий таҳлил усуулларидан фойдаланилган.

Муҳокама. XX аср бошларида домулло Муҳаммад Икром Абдусалом “муфти Икромча” (1847-1925) ҳалол ва ростгўй уламолар орасида ҳақгўйлик ва жасорат намунасига айланди. Мирзо Сирожиддин, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Абдурауф Фитрат, Ҳамидjon Мехрий каби илғор ёш зиёлилар

маърифатпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ эта бошладилар. Ушбу авлод фаолиятининг асосий йўналиши таълим тизимини янгилаш, илғор янгиликларни киритиш эди. “Жадидлар ташқи цивилизация – тамаддун ва дунёдаги янгиланишлар ҳақидаги билимни бошқаларга ўргатишга ҳаракат қилиб, на анъанавий, на рус-тузем мактаблари ҳақиқий тараққиёт йўлини таклиф қилмаётган бир пайтда янги усулдаги мактаблар оча бошлади” [1]. Амирлик маъмурияти асрлар давомида мавжуд бўлган таълим тизимига аралашмаган, таълим олиш икки хил тартибда: бошланғич мактаблар ва олий мадрасаларда амалга оширилган. Худди шу даврда маърифатпарварлик ҳаракати Тошкент, Фарғона, Самарқандда ҳам ривожланди [1]. Турли ҳудудларда ўзига хос тарзда шаклланган маърифатпарварлик ғоялари тарафдорлари ва “диний мутаассиб” уламолар ўртасида қарама – қаршилик вужудга келди ва кун сайин кучайиб борди.

Бухоро маърифатпарвар зиёлилари ижтимоий-сиёсий қарашларида монархияни йўқлар эди. Мамлакатда мавжуд ижтимоий ва сиёсий тизимда инқилобий ўзгаришлар қилиш уларнинг дастурларига киритилмаган эди. Ислоҳотчилар диндан юз ўгиришни кўзламаган, аксинча улар исломни ақидапарстликдан ҳимоялаш асосида модернизациялаш ва динга оқилона ёндашиш ҳақидаги гуманистик ғояларни миллий ўзликни англаш омили эканлигини илгари сурадилар [3].

Муҳаммад Шарифжон маҳдум Садри Зиёнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларга кўра, у Бухоро амирлигининг тарихи ва маданий муҳитида катта из қолдирган шахслардан биридир. У 1893 йилнинг 9 майида амир Абдулаҳад (1885-1910 йй.) томонидан Хайробод (Жондор) туманига қози этиб тайинланади [4.] ва мазкур лавозим билан боғлиқ фаолияти 1920 йилгача, яъни Бухоро инқилобига қадар давом этади. Бу йиллар мобайнида у амир томонидан 22 маротаба Хайробод (Жондор) [5], Янгиқўрғон [6], Пешкўҳ (Хутфар) [7], Хатирчи [8], Вағонзе (Ком-и Абу Муслим) [9], Чоржўй [10], Карки [11], Комот [12], Шахрисабз [13], Қарши [14], Фиждувон [15] каби вилоят, туман, бекликларда қози [16] ва раис [17] вазифасига тайинланган. Бу вақтда Бухоро мамлакати 27 вилоят ва 11 тумандан иборат эди [18].

Қозилик даврида у кўпгина тадбирлар ўтказиб, халқнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилган. Жумладан, Пешкўҳ туманида қозилик қилган вақтида 7 йил мобайнида қақраб ётган ерларга сув чиқариб, зироатчиликни йўлга қўйган [19.]. Вобкент туманида Ҳазрат Бузург деб аталувчи ёғоч кўприк ўрнига тошдан сув ўтказгич қурдиради ва қозилик маҳкамаси олдидаги сув ҳавzasига келиб тушадиган сув йўлини тозалатади [4.]. Қарши қўрғонида суннийлар ва шиалар ўртасида тўқнашув юзага келиб, Садри Зиёнинг саъй-ҳаракатлари билан тўхтатилади. Бундан ташқари у ушбу вилоятда бир қанча хайрли ишларни амалга оширади. Жумладан, ўн беш йилдан буён таъмирталаб бўлиб қолган “Намозгоҳи Идайн-Хоний”ни тўртта кичик гумбазларини қайта тердириб тиклайди, катта гумбазини [4.] ва Жиловхона масжидини таъмирлатади [4.]. Фиждувон туманида амирлик маъмурияти рухсати билан ўн беш кун ичida қозихона қурдиради. Бундан ташқари, Ҳазрати Ҳожаи Жаҳон зиёратгоҳи майдони тор бўлганлиги сабабли, ўз ҳисобидан шарқий томондан ер сотиб олиб, зиёратгоҳ ҳудудини кенгайтиради ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиб беради [4.]. Чоржўй вилояти мадрасасида ўқиётган муллаваччаларнинг маош ва ҳужра билан таъминланишига жиддий эътибор қаратади [19.].

1893-1920 йилларда қозилик қилган даврида Садри Зиё 10-12 марта ўз вазифасидан бўшатилган. Ҳар бўшатилиб ишга тайинлангунига қадар 6 ойдан 11 ойгacha ишсиз қоларди. Бўшатилиш сабабларини ўз асарларида баён қилган. Масалан, “Бухоро инқилобининг сабаблари” асарида Чоржўй тумани қозилигидан бўшатилиш сабабини шу тарзда изоҳлайди: “Биринчи маротаба Чаҳоржўй вилояти қозиси бўлган вақтимда, бу туман ҳокимлиги вазир Остонақул қушбегининг укаси Ҳайдарқули иноққа тааллуқли бўлиб, улар Муҳаммад Шариф девонбеги шианинг ўғиллари эдилар. У вилоят ҳокимининг муовини Мирзо Зайнiddин тўқсона исмли шиа мазҳабига тааллуқли шахс саналиб, вилоят мулкининг буткул барча солиқ ишлари мазкур шахсга тамомила топшириб қўйилган эди.

Бир кун ўтирган эдим. Мазкур вилоятнинг Бангилик деган жойидан Теша Ҳожа исмли бир фуқаро келиб йиғлаб, жиғибийрон бўлиб хотиним бир неча кундан бери йўқолиб қолган деб арз қилди. Бу муддат ичидан қанчадан қанча безовта бўлиб, шакшубҳаларга бордим, қанчадан қанча жойларни изладим, ҳеч фойда бермади.

-Бирор киши ёки бирор жойдан гумонинг борми? — деб сўрадим.

Йўқ, — деб жавоб берди.

Бир икки кун сабр қилишини, агар дараги чиқиб қолса менга хабар қилишини тайинладим. У менинг сўзларимни қабул қилди. Теша Ҳожа рози бўлиб кетди. Беш – олти кун ўтди. Ишларим жуда кўп бўлган қунларнинг бирида хизматкорларимдан бири муҳр босиш учун қўлимга бир дона васиқа берди. Қарасам: Теша Ҳожа исмли киши ўзининг хотинини фалон исмли одамга етти юз танга бадалига талоқ қилиб берганлиги ёзилган.

Теша Ҳожа, бундан олдин келиб хотини йўқолганлиги сабабли арз қилиб кетган шахснинг исми бўлганлииги учун эсимга тушди, ҳақиқатни тагига етиш мақсадида унга разм солдим ва таниб:

-Сен бундан олдин менга арз қилган киши эмасмисан? – деб сўрадим.

-Ха, — деб жавоб берди у.

Ундан вазиятни сўраб-суроштирдим. Маълум бўлишича, у хотинини бедарак йўқолганлиги ва уни топиб беришлари учун арз қилиб мири тўқсона (Мирзо Зайнiddин – вилоят ҳокимининг муовини) нинг ҳовлисига борибди. Мири тўқсобанинг ҳовлисида эса тўсатдан хотинига кўзи тушибди.

-Бир-биримизни кўрган заҳоти, беихтиёр талпиниб бир-биримизни бағримизга босдик. Бир ерга кетиб қолган тўқсабо айнан шу вақтнинг ўзида етиб келди ва биз ҳар иккаламизни бу аҳволда қўриб, мени гуноҳкор ва айбдор ҳисоблаб, ўзининг одамларига мени калтаклашни буюрди. Хотинимни ҳам калтаклаб, ҳарамга олиб кетишиди. Мени эса ҳибсга олишиб етти юз танга бадалига хотинимни талоқ қилишга мажбурлашди. Қарадим, бу фикрни қабул қиласам, мени зинданбанд этиб ўлдиришади, бунда ҳам жондан, ҳам хотиндан ажраламан, ночор хотинимни талоқ қилишга рози бўлдим. Аммо мазкур маблағ оқсоқолнинг қўлида турибди. Сизга шуни маълум қиласамки, у пулни олишга хоҳишим йўқ. Фақат ўлимдан қўрқишим ва қийноқлар туфайли бу фикрга рози бўлдим. Ҳар қалай биламанки, бундан кейин ҳаёт кечириш мен учун қимматга тушади

У мазлумнинг нотавонлиги менга қаттиқ таъсир қилиб, Дурбой исмли оқсоқолдан ҳодисанинг тафсилотини сўрадим. Теша Ҳожанинг сўзларини у ҳам тасдиқлади. Мири тўқсона ҳузурига хизматкорларимдан жўнатиб: -“Теша Ҳожа менинг

хузуримга келди, у фалона заифалардан бирининг эри бўлиб, хотинини талоқ қилмоқчи экан. Эрнинг талоқ бериши пайтида хотини ҳам ҳозир бўлиши лозим. Бар маротабага бўлса ҳам заифани қозихонага жўнатсалар, ажралишгандан сўнг қайтариб яна хизматларии учун жўнатаман”, — деб тайинладим. Тўқсабо аввалига турли баҳоналар қилиб бош тортди, охир-оқибат исми тилга олинган мазкур аёлни юборишдан бошқа илож топмади. Эр-хотин бир-бирларини қўргач, маҳшарнинг оху-ноласини қилдилар, уларнинг фарёди самоларга етди.

Аёлни ўз эрига топширдим. Улар йиғи аралаш мени ҳаққимга дуо қилишиб чиқиб кетдилар. Мири тўқсабога ўзимни билмаганга солиб аёл ходималарининг эри бир марта талоқ қилмоқчи бўлганди, улар бир-бирларини қўргач меҳру-муҳаббатлари қайтиб, биргаликда яна аҳил бўлдилар. Шу сабабли улар ҳар иккаласини яраштириб, дуосини олиб жавобини бердим. Етти юз танга бекор қилинган бадал пулини Дурбой оқсоқол ҳамроҳлигида хизматлари учун жўнатдим, ким берган бўлса, ўшанинг ўзига топширсинлар, — деб хабар жўнатдим” [20.]. Қозилар элнинг ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, барча чигал ва мураккаб масалалар улар орқали ҳал этилган, унинг охирги қарори тарафлар учун мажбурий бўлган. Шу боис тўқсоба Садри Зиёнинг ҳукмидан сўнг ҳеч нарса демади. Аммо унинг устидан амирга арз қиласи. Садри Зиё бир ҳафтадан сўнг туман қозилигидан бўшатилади [21.].

Садри Зиё қозилик вазифаларини қай тариқа ижро этиши хусусида қуйидагича баён қилган:

Гоҳ ичрои шариат буду гоҳе дафъи зулм
Алғараз бекор неву кору боре доштем [22.].

(Маъноси: Гоҳ шариат ижроини эди, гоҳ зулмни даф қилиш,
Қисқача айтганда, бекор юрмасдан иш-юмушимиз бор эди).

Садри Зиёнинг юқоридаги байтидан кўриниб турибдики, у ҳақ йўлини излашда ўзи тўғри деб билган қоидага амал қилган: “шариат ижроси”га “зулмни даф қилиш” учун интиларди.

1917 йилнинг 27 марта Амир Олимхон ва вазир Мирзо Насрулло Садри Зиёни Бухоронинг қозикалони этиб тайинлайди. Садри Зиё кундалигининг маълумотларига қараганда, амир Олимхон яна бир неча бор жадид-тараққийпарварларнинг вакилларини ҳукумат таркибига киритишга мажбур бўлган. Жумладан, Абдусамад хўжа Садри Самарқандий Бухоро шаҳрининг раиси этиб тайинланган [19.].

Садри Зиё 1917 йилги сиёсий жараёнларни таҳлил қилиб, уларни Россиядаги воқеалар, биринчи жаҳон уруши натижалари ва февраль инқилоби билан боғлайди. У ўзининг кундалигида бу воқеалар ҳақида батафсил маълумот берган [19.]. Муҳаммад Шарифнинг холосаларига қараганда, Бухоро амири Сайд Олимхон ва Бухородаги рус резиденти А.Я.Миллер Россиядаги воқеаларни амирликдаги сиёсий вазиятга таъсир қилишидан хавотирланганлар. Қисман ислоҳотни эълон қилиш йўли билан улар омманинг чиқишини олдини олмоқчи бўлганлар. Бироқ, амир номигагина ислоҳот ҳақида жар солаётган эди. У аслида ислоҳотга ҳам, ислоҳотчиларга ҳам қарши бўлиб, уларни қўлга олиб жазолаш йўлини танлаган эди. Бу ҳақда Садри Зиё шундай ёзади: “Амир ислоҳотни ўтказишдан олдин тараққийпарвар уламолар вакилларининг бир қисмини давлат ишларига жалб қила бошлади. 1917-йил 7 апрелда мамлакатни (давлатни) ислоҳ қилиш бўйича у ўзининг мурожаатномасини эълон қилди [23.].

Мурожаатнома давлат ислоҳот тарафдорлари ва янгилик ғанимлари ўртасида қаттиқ қаршиликлар келиб чиқишига сабабчи бўлди” [24].

Умуман, Садри Зиё эсдаликлардан шу нарса маълум бўладики, лавозимлардан бўшатилган собиқ амалдорлар, катта мансаб эгалари ва руҳонийларнинг эскиликини йўқловчи қисми, собық қозикалон Бурҳониддин, Мулло Исомиддин садр кабилар ва бошқалар халқ орасида ислоҳотга ва уларнинг ўринларини ҳамда лавозимларини эгаллаган янги тараққиётпарварларга қарши тарғибот ишларини олиб бора бошлигандар.

Садри Зиё бу реакция амалиётининг бошланишидан аввал унинг олдини олиш учун ҳаракат қиласи. Жумладан, иғво тарқатилишидан бир кун олдин — шанба куни икки мулладан шаҳарда ислоҳотга қарши иғво ва фитна тарқатилишини эшитади ва зудлик билан қўшбегига телефон орқали фитна тайёрланаётгани ҳақида маълумот беради ва “Фитнакорларни ушлайми?” дея сўрайди. Аммо қўшбеги иғвогарларни ҳибсга олиш ва умуман, Шарифжон маҳдумнинг бирор бир аралашувини ман қиласи [25.]. Шу тариқа, реакция тўсиқларсиз, тўғрироғи, жамиятнинг юқори қатламларини қўлга олиш учун оқимга қарши куч ишлатди.

Ёш бухороликларнинг Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа бошчилигидаги сўл қаноти фармон эълон қилинган куннинг эртасига – 1917-йил 8 апрелда Бухоро шаҳрида катта намойиш уюштириди ва Регистонда митинг ўтказди [2.]. Бироқ Сайд Олимхон намойишчиларни қуч билан тарқатиб юбориб, уларнинг раҳбарларини зиндонга ташлади. Ушбу воқеларнинг шоҳиди бўлган Муҳаммад Али Балжуоний ўзининг “Тарихи нофеий” асарида шундай ёзади: “Шарифжон қози калон бўлганидан кейин тараққиётпарварлар жамоаси кучайиб, катта жамоага айланди. Уларнинг энг катталари қозихонага келиб, намойишга ижозат олиб, улардан қарийб 500 нафар гузари Жўйбор ва хиёбондан қизил хуррият байроқларини кўтариб “яшасин хуррият” деб кела бошлидилар. Улар Регистон ва Аркка ҳужум билан ўтмоқчи бўлдилар. Бутун шаҳарда ғалаён кўтардилар. Аҳли Бухорони ваҳима босди. Баъзи одамлар хуррият бўлибди, деб уларга қўшилдилар. Шу аснода Регистон тарафдан милтиқ овози эшитила бошлади. Бу жамоа қочишни ихтиёр қиласи. Бухоро ҳарбий аскарлари ҳаракатга келиб ҳужумга ўтдилар. Амир билан қўшбеги “бу жамоаи авбош Бухоронинг ва дини ҳақнинг душмани бўладилар, уриб олиб келинглар” деб амр бердилар” [26.].

1917-йил 9 апрелда шу гуруҳ Садри Зиёнинг ўзига ҳужум қиласи, у воқеа тафсилотларини шундай баён қиласи: “Истироҳат боғининг дарвозаси орқали Регистонга яқинлашгач, мен у ерда турли тоифадан иборат бир неча гуруҳларни кўрдим, улар турли жойларда ўтиришарди. Нодонларнинг бир гуруҳи мени кўриб, ўраб олишди ва Арк томонга ўтишимга йўл қўйишмади. Тадбирсиз амир ўзининг деразаси олдида маҳсус равишда ўтирган эди, менинг изтироб-у мажбурлашларини кўрди. Бу вақтда собық қозикалон Бурҳониддиннинг ҳамтовоқлари ва хизматкорларидан бири, мударрис Абулфаттоҳ исмли бир кимса, чопонимнинг этагига илашиб олди. У ўзининг шериклари билан биргалиқда мени отдан судраб туширди. Улар мени қўллари ва калтаклар билан уришди, оёқлари билан тепдилар. Бир фурсат фикру хаёлимни жамлаб олдим, сўнг мен хушимни йўқотдим ва нима бўлганини, қандай қилиб уларнинг қўлидан қутулиб қолганимни тушунмадим. Бутунлай заифлик пайдо бўлиб, аҳволимни ва аъзойи баданимни қай ҳолатдалигини билмасдим...Шу қадар ўзимни йўқотиб қўйгандимки, кўз

олдимда эшиклари берк, тор ва қоронғу уй кўрингандай эди. Мени қамаб қўйганларига ҳеч шак-шубҳам йўқ эди. Бир пайт эшик очилиб, хонага бир киши оҳиста кирди. Вазият ва аҳволдан мени ҳалок қилиш мақсади борлигидан гумон қилгандим” [19.].

Садри Зиёни амир юборган қуролли соқчилар қутқардилар, Амир Олимхон ҳамма воқеани сарой қонқаси устидаги айвондан қузатиб турганди.

Мирза Салимбекнинг хабар беришича, Шарифжон маҳдумни ҳалок қилолмаган мутаассиб муллалар амидан уни қозикалонлик мансабидан бекор қилиш зарур, деб талаб қилган. Шунингдек, бошқа янгилик тарафдорларини ҳам ишдан бўшатилишини талаб қилганлар [27.].

Намойишни баҳона қилиб, 14 апрелда амир ўз фармонини бекор қилди. “Амир Сайд Олимхон томонидан Абдусамад судур ва Насрулло қўшбеги жадидларни қўллаб қувватлаганликда айбландилар ва уларни лавозимларидан бўшатиб, Низомиддин Урганжий (девонбеги, 1920 йилда ўлдирилган) вазир этиб, Мулло Исомиддин эса Бухоронинг раиси этиб тайинлади. Амир руҳонийларнинг эскилики ёқловчи қисмини талабини қондириб, ўз мамлакатида тартиб ўрнатишга муваффақ бўлади” [28.]. Хуллас, Ёш бухороликларнинг демократик ислоҳотларни тинч йўл билан амалга ошириш мақсади пучга чиқди [29.].

1917-йил 9 апрелида Садри Зиё бор йўғи 14 кун давом этган қозикалонлик лавозимидан бўшатилади (1917 йилнинг 27 мартадан 9 апрелга қадар). Бу воқеадан кейин Муҳаммад Шарифжон уч ой мобайнида бетоб бўлиб ётади ва 31 июлда ўз вазифасидан расман истеъфога чиққанини эълон қиласди.

Амир Олимхон Садри Зиёни Аркка чақириб, Қарши тумани қозилигига таклиф қиласди. Садри Зиё бу таклифга рози бўлмайди. “Бу воқеадан кейин икки кун ўтгач, — дейди Садри Зиё, — Баротбек удайчи, агар яна бир маротаба бу таклифни рад этсам, Кармина шаҳрида маҳбусликда юришимни етказди. Ночор таклифни қабул қилдим” [19.]. Амир Олимхон Садри Зиёни Бухородан бадарға қилиш мақсадида 1917 йилнинг 10 октябрида уни Қаршига қози этиб тайинлайди.

Натижалар. 1918-йил баҳорида Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовнинг Бухорога қарши қуролли ҳаракатни амалга оширилиши оқибатида Амир Олимхон жадидларни хоинликда айблаб, жазолашни буоради. Қаршида қозилик қилаётган Садри Зиё ҳам инқилобчиларга хайриҳоҳликда айбланиб ҳибсга олинади ва қўллёзмалари ўзининг кўз ўнгидаги ёқиб юборилади [30.]. Икки ойдан сўнг у ва укаси Фофуржон маҳдум 3 миллион сўм эвазига озод этилиб, Шахрисабзга қози этиб тайинланади. Унинг фаолиятини назорат қилиш Шахрисабз ҳокими, амирнинг амакиси Акрамхон Тўра зиммасига юклатилади [28. 19].

Садри Зиёнинг хабар беришича, 1918 йилда Шахрисабз аҳолиси Акрамхон Тўрага қарши бош кўтаришади [31.]. Ҳоким ва унинг аёнларининг бош кўтарган халқقا қаршилик қўрсатиши муваффақиятсиз кечади. Натижада амир юборган қўшбеги Низомиддин Хўжа бошчилигидаги элликка яқин мансабдор шахслар бу тартибсизликларни бартараф этиш ва ғалаённи бостиришга ҳаракат қилишиди. Аммо уларнинг уринишлари бехуда кетади. Шундан сўнг Садри Зиё 22 кун давомида керакли чораларни кўради ва исён кўтарганларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаслигини билдириб, ғалаённи бостиришга муваффақ бўлади. Амир Олимхон Шарифжон Садри Зиёнинг бу ҳаракатидан мамнун бўлиб, 1919-йил 5 сентябрда уни Қарши вилоятига

қози этиб тайинлайди [4]. 1920-йил Бухорода инқилоб юз бергандан сўнг амирнинг тоғаси, ўша вақтда Қарши ҳокими Саидбек иноқ Афғонистонга қочиб кетиш тараддудига тушган эди. Садри Зиё шу фурсатдан фойдаланиб қолади. У пинҳоний равища савдо карвони ҳамроҳлигида аввал Фиждуонга, сўнгра Бухорога келади.

Садри Зиё Бухоро инқилобидан кейинги (1920-йил 2 сентябрь) йилларда Совет ҳокимиятининг идораларида маъсул лавозимларда ишлаб келган, жумладан, Вақф ишлари бўйича Бухоро Халқ Совет Республикаси бошқармасида ишлаган, Шариат ишлари бўйича бошқарма раиси ўринбосари, Абу Али ибн Сино номидаги кутубхонанинг китобдорлиги вазифасини ҳам бажарган.

Садри Зиё 1923-24 йиллардан бошлаб барча масъулиятли вазифалардан ўзини фориғ тутган. Бунга сабаб дамқисма (астма) касаллигининг хуруж қилиши бўлган. Ўзини яхши ҳис қилиши билан қўлига қофозу-қалам олиб, 1918 йилда мусодара вақтида ёқиб юборилган қўлёзма асарларини қайта ёзиш билан машғул бўлган [30]. Натижада хотирасининг ўткирлиги туфайли кундаликларининг айрим қисмларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқатгўй қози сифатида танилган Садри Зиё зиддиятли ва суронли даврда ҳаёт кечиради. Садри Зиёнинг Бухоро амирлиги сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни, амирлик ва шўро тузумидаги маъсул вазифаларни ижро этиш билан боғлиқ ҳаёт йўли тарихимизнинг айрим саҳифаларини очишга имкон беради. Садри Зиёнинг ҳаёти ва амирлик маъмурий тизимидағи фаолияти бизга маҳаллий зиёлилар қатламишининг янги даврга қандай муносабатда бўлганлигини тушунишга ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Эдвард Оллворт. Современные узбеки. Часть 2. 2019. -С.81.
2. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар. –Т.:Фан, 1997. –Б. 63.
3. Фитрат Абдурауф. Мунозара. –Б.143-144.
4. The Personal History of a Bukharan Intellectual: The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya [Brill's Inner Asian Library, 9], Translated from the Original Manuscript by Rustam Shukurov, with an Introductory Study and Commentaries by Muhammadjon Shakuri, Project Direktor Shahrbano Tadjbaksh, Editor, English Language Edition Edward A. Allworth Leiden, 2004. P. 142-143.
5. Хайрабод тумани қозилиги олти ой давом этади (1893 йил 9 майдан 29 октябргача).
6. Янгиқўрғон вилояти қозилиги ўн тўққиз ой давом этади (1893 йил 29октябр - 1895 йил 24 апрел).
7. Пешкўҳ тумани қозилиги биринчи маротаба ўн етти ой давом этган (1895 йил 21 сентябр – 1897 йил 13 феврал). Иккинчи бор 1906 йил 5 ноябр – 1908 йил январ ойига қадар.
8. Хатирчи вилояти қозилиги ўн тўққиз ой давом этади (1897 йил феврал – 1898 24 сентябр)
9. Ком-и Абу Муслим (Вағонзе) туманида биринчи маротаба 1900 14 июндан 1900 йил 17 октябргача, иккинчи маротаба эса 1904 йил 3 октябрдан 1905 йилнинг августига қадар фаолият олиб боради.
10. 1900 йил 17 октябрда Чоржўй вилояти қозилигига тайинланади ва Судур унвони берилади. Ушбу вилоятда ўн бир ой, яъни 1901 йил 5 сентябрга қадар фаолият кўрсатади. Иккинчи бор 1913 йил май – 1916 йил феврал ойига қадар қозилик қилган.

11. Карки вилояти қозилиги 1902 йил 13 май – 1904 йил октябрга қадар давом этади.
12. Комот – Вобкентнинг эски номи, Бухородан шимоли-шарқда 25 км масофада жойлашган туман. Ушбу туман қозилиги 1905 йил 8 август – 1906 йил 7 январга қадар давом этган.
13. Биринчи маротаба 1909 йил 4 феврал – 1910 йил 25 январга қадар. Иккинчи маротаба 1918 йил баҳоридан – 1919 йил 5 сентябрга қадар давом этган.
14. Биринчи маротаба 1910 йил 25 январ – 1912 йил 24 августга қадар. Иккинчи маротаба 1916 йил феврал – 1917 йил 27 марта қадар. Учинчи бор 1917 йил 10 октябр – 1918 йил баҳор. Тўртинчи маротаба 1919 йил 5 сентябр – 1920 йил сентябр
15. 1912 йил 24 август (шу куни Садр унвонини ҳам олади) – 1913 йил май
16. Тарихдан маълумки, қозилар фақат ҳукмдорлар томонидан тайинланган. Уларга шариат қоидаларини билиш, адолат тарафдори бўлиш, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиш, озод бўлиш ва ақли расо бўлиш каби талаблар қўйилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Хидоя” асарида ёзилишича, қозилик мусулмон бўлмаган шахсларга, қуллар ва чўриларга, тұхматчиликда айланган шахсларга, оғир жиноят содир этгандарга ҳамда вояга етмаганларга ман этилган.
17. Балжувоний Муҳаммад Али. Тарихи Нофейй. –Б.28-29.
18. ЎзМА, Ф.И-126. 1 тавсиф, 51-ийғма жилд.
19. Садри Зиё. Рўзнома //ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма. №2277. 50 б, 52 б вв.
20. Садри Зиё. Наводири Зиёия. –Тошкент, 2017. –Б. 119-122.
21. Шукурий М. Садри Бухоро. –Душанбе, 2005. –С. 145.
22. Садри Зиё. Рўзнома. -Техрон, Маркази аснод ва хадамоти пажӯҳиши, 1382. –с. 184.
23. Айний Садриддин. Таърихи инқилоби Бухоро. –Б.152-153
24. Эсанова Ш. Садри Зиёниг «Рўзнома» асари тарихий манба сифатида. //Ўзбекистон тарихи, 2001. №2.
25. Айни Садриддин. Таърихи инқилоби Бухоро. –Б. 163.
26. Муҳаммад Сайд Балжувоний. Тарихи Нофейй. /Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. –Тошкент, 2001. –Б. 45.
27. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. –Ташкент: Академия, 2009. –С.81.
28. Воҳидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. – Т., 2007. -С.18.
29. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. –Тошкент, 2019. –Б. 99.
30. Шукуров М. Шаммае аз рўзгори Садри Зиё. Наводири Зиёия. –Душанбе, 1991. –С. 118.
31. Абдурауф Фитрат ушбу воқеа 1916 йилда содир бўлган дея икки йилга адашади. Бироқ Садри Зиёдан фарқли ўлароқ, ғалаённи келтириб чиқарган сабабларни кўрсатиб ўтади. (Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. –Б. 31.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 10 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).